ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

# ISHONCH

2006 йил 23 август, чоршанба № 139 (2188)

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2006 йил 25 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 24 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# ДАСТЛАБКИ ХИРМОНЛАР

*Сурхондарёлик пахтакорлар 123.000 гектарлик пахтазорларда етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олиш ишларини бошлаб юборишди. Айни пайтда 350 минг тонналик “оқ олтин” хирмонини бунёд этиш учун, йиғим-терим ишлари намунали тарзда ташкил этилган.*



Термиз тумани “Дўстлик” ширкат хўжалиги пахтакорлари 708 гектар ерга пахта экишди. 94 нафар оилавий пудратчиларга бўлиб берилган далаларда терим қизғин паллага кирган. Оилавий пудратчилар Ўрол Аллаев, Ориф Эгаммуродов, Равшан Очилдиевлар йиллик режани 63-70 фоизгача бажаришди.

Бундан ташқари, ҳар ўн кунда пудратчилар 30 минг сўм, илғор теримчилар 25 минг сўм билан рағбатлантирилади. Режани биринчи бажарган оилавий пудратчиларга рангли, оқ-қора телевизор ҳамда видеомагнитофон совға қилинади, — дейди касабақўм И.Вафоев.

Қумқўрғон туманидаги “Беш қаҳрамон” ширкат хўжалиги пахтакорлари 1253 гектар ерда пахта етиштирдилар. Тажрибали деҳқонлар Файзулла Мусурмонов, Жума Боқиев, Ҳусан Холмўминов каби пудратчилар ҳар гектардан 30,4 центнердан ҳосил олиб, 3600 тонналик “оқ олтин” хирмонини яратиш ишқида самарали меҳнат қилишаяпти.



**Рустам ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

***Геология-қидирув ишларини прогнозлаш, углеводородларни излаш, разведка қилиш, қазиб чиқаришдан тортиб уларни қайта ишлаш ва маҳсулот сотишгача бўлган ишлаб чиқариш-технологик циклининг барча босқичларида корхоналарнинг ўзаро боғлиқ ҳамда мақсадга йўналтирилган ишларини таъминловчи нефтгаз комплексини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек ягона техникавий сиёсатни олиб бориш ва тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» МХК ҳамда нефтгаз тармоғи компаниялари ва корхоналари акциядорларининг:

«Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясини қайта ташкил этиш ҳамда унинг негизида «Ўзгеобурғунефтгаз» ва «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниялари ташкил этишни;

«Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компанияси ташкил этишни;

Шўртан газ-кимё комплексини «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси таркибига ўтказишни;

«Устюрт геофизика экспедицияси», «Амиробод геофизика экспедицияси», «Фарғона геофизика экспедицияси» ва «Бухоро геофизика экспедицияси» акциядорлик жамиятлари, шунингдек «Яккабоғ геофизика экспедицияси» унитар корхонасини «Ўзбекгеофизика» ОАЖга қўшишни;

«Автогаз» акциядорлик компаниясини «Ўзтрансгаз» АКга қўшиш йўли билан уни «Автогазсотиш» шўъба корхонасига айлантиришни;

«Ўзбекнефтгаз» МХК Бошқарувчилар кенгашини ташкил этиш ва холдинг компанияси Бошқарувининг функциялари ўзгартирилишини назарда тутган «Ўзбекнефтгаз» МХКни таркибий қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Бошқарув ходимлари чекланган сони 72 бирликдан иборат бўлган «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда ижроия аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбекнефтгаз» МХК Бошқарувчилари кенгаши Раисига зарур ҳолларда холдинг компаниясининг ижроия аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки:

Бошқарувчилар кенгаши «Ўзбекнефтгаз» МХК фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи, тармоқнинг ривожланиш стратегияси ва истиқболларини белгиловчи, холдинг компаниясининг тактикаси ва унинг олдида турган ўрта муддатли вазифаларни ишлаб чиқувчи орган ҳисобланади;

холдинг компаниясининг ижроия аппарати (Бошқаруви) Бошқарувчилар кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг кузатилиши, назорат қилиниши ва ижро этилишини таъминлайдиган Бошқарувчилар кенгашининг ишчи органи ҳисобланади;

холдинг компанияси бошқаруви Раиси Бошқарувчилар кенгаши Раисининг ўринбосари ҳисобланади.

3. Қуйидагилар белгилансин:

«Ўзгеобурғунефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзнефтмаҳсулот», «Ўзтрансгаз», «Ўзнефтгазқурилишинвест» ва «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компаниялари «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг алоҳида мулкка ва мустақил балансга эга бўлган юридик шахс шаклидаги шўъба корхоналари ҳисобланади;

«Ўзбекнефтгаз» МХК таркибига кирувчи акциядорлик компаниялари бош директорлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимларга тасдиқланади, холдинг компанияси Бошқарувчилар кенгашининг аъзолари ҳисобланади ҳамда мақоми, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатилиши бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарларига, уларнинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

4. Қуйидагилар:

ходимларнинг умумий чекланган сони 68 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 45 бирликдан иборат бўлган «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 3 ва 4- иловаларга мувофиқ;

ходимларнинг умумий чекланган сони 86 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 60 бирликдан иборат бўлган «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 5 ва 6- иловаларга мувофиқ;

ходимларнинг умумий чекланган сони 174 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 113 бирликдан иборат бўлган «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 7 ва 8-иловаларга мувофиқ;

ходимларнинг умумий чекланган сони 46 бирлик, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 40 бирликдан иборат бўлган «Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 9 ва 10-иловаларга мувофиқ;

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 8 бирликдан иборат бўлган «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компанияси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 11 ва 12-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

«Ўзгеобурғунефтгаз» АК ва «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК «Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси томонидан тегишли фаолият йўналишлари бўйича тузилган шартномалар ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланадилар;

таъсис этилаётган «Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компанияси «Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятларнинг лойиҳа ишларини ўтказиш ва капитал қурилиш қисми бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Вазирлар Маҳкамасининг ёқилғи, энергетика, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари бўйича комплекси раҳбари Э.Р.Шоисматов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» МХК билан биргаликда бир ой муддатда:

«Ўзгеобурғунефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компанияларини таъсис этиш, уларнинг устав жамғармалари миқдорини белгилаш, компанияларнинг низомларини рўйхатдан ўтказиш борасидаги барча ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин;

холдинг компанияси ва «Ўзбекнефтгаз» МХК таркибига кирувчи акциядорлик компаниялари ижроия аппаратларининг тузилмалари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини ва улар юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзгеобурғунефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчиқариш», «Ўзнефтмаҳсулот», «Ўзтрансгаз» ва «Ўзнефтгазқурилишинвест» акциядорлик компаниялари, «Ўзбекгеофизика» ОАЖ ва «Андижоннефт» ОАЖ эмиссия проспектларини рўйхатдан ўтказиш учун йиғим тўлашдан озод қилинсин.

8. Ижроия аппаратлари қуйидаги манзилларга жойлаштирилсин:

«Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК - Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 66-уй; «Ўзгеобурғунефтгаз» АК - Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси 35-уй; «Ўзнефтгазқурилишинвест» АК - Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси 98-уй.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 21 август

*Бугуннинг гаплари*

## ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Навоий давлат педагогика институти Мустақиллик йилларида гуллаб, яшнади. Жумладан, талабаларга қулай шароит яратиш мақсадида 2001 йилда 620 ўринли, 2006 йилда эса 750 ўринли ўқув бинолари замон талаби даражасида қурилиб, жиҳозланди ҳамда талабалар ихтиёрига берилди. Уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 400 ўринли замонавий ётоқхона, 4 та спорт майдончаси ва 2 та спорт зал қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида спортга ишқибозлар сони ошиб бораётир. Олий ўқув юрти талабалари ўртасида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Универсиада — 2004 мусобақасида институтимиз жамоаси ҳам иштирок этиб, 16 та олтин, 12 та кумуш, 9 та бронза медалларини қўлга киритди. Жисмоний тарбия факультети 2-курс талабаси, халқаро спорт устаси Нурулла Тоғаев Президентимиз Фармони билан «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Жорий йил институт маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида профессор-ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар ҳамда талабалар ўртасида спортнинг кураш, футбол, волейбол, арқон тортиш, қўл тўпи, шахмат-шашка турлари бўйича институт биринчилиги бўлиб ўтди. Унда фахрли ўринларни эгаллаган жамоаларга ва шахсий биринчиликни қўлга киритган иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, институт жамоаси аҳлини соғломлаштиришга ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Ўтган йилда 85 нафар профессор-ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар ва талабалар республикамизнинг турли санаторий-профилакторийларида соғликларини тиклаб қайтди. Бу хайрли ишга вилоят касаба уюшмалари кенгаши, институт маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси бош қўшди. Бугунга қадар 59 та йўлланма олинди ва тегишли кишиларга берилди. Бундан ташқари 2000 — 2006 ўқув йиллари мобайнида аълочи, жамоатчи талабалар ва кам таъминланган оила фарзандларидан 14 нафари Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ҳамда вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашларининг стипендиясига сазовор бўлди.

**Н. БЕКМУРОДОВ,**
**институт бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Иш билганга минг танга*

# ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

Мустақиллик шарофати билан тадбиркорликка, касб-ҳунар тараққиётига кенг йўл очиб берилди. Ҳунарли, омилкор кишилар хайрли ишларга қўл уриб, ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтиришмоқда.

Андижон вилоят Марҳамат шаҳрида кўптармоқли тадбиркорликни бошлаб берганлардан бири Арслоновлар оиласидир. Абдумухтор Арслонов турмуш ўртоғи Шакархон билан бирга мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ туман деҳқон бозорида хусусий ошхона қуриб, иш бошлаган. Ҳозирги кунда фаолиятларини янада ривожлантириб, турли хизматларни кўрсатишга эришдилар.

— Савдо-сотиқ ва чеварчилик ишлари билан турмуш ўртоғим шуғулланади. Укам Абдужаббор Арслонов эса 4 нафар ишчиси билан сомса тайёрлаб, сотишади. Пайвандлаш цехимизда Эргашали Убайдуллаев ўзининг шогирдлари билан иш олиб бормоқда, — дейди Абдумухтор Арслонов биз билан суҳбатда. — Алишер Отахонов 2 нафар шогирди билан қурилиш материалларини буюртмачилар талаби бўйича тайёрлаб бермоқда.

Абдумухторнинг ўзи автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналари ишлари, эҳтиёт қисмлар савдоси билан шуғулланувчи 2 та дўконнинг савдоси ва таъминоти билан банд. Укаси Воҳиджон эса 3 нафар ёрдамчиси билан деҳқон бозорида обинон тайёрлаб сотиш билан машғул. Энг яхши савдо ходимларингиздан айтиб беринг, деган саволимизга жавобан Абдумухтор бироз ўйланиб тургач, қурилиш материаллари савдосини яхши йўлга қўйган Алишер Отахонов, Набижон Авазов, чеварлардан Зебохон Юсуфалиева, Нозимахон Маҳмудова, сомсапазлардан Абдужаббор Арслонов, электр пайвандчи Эргашали Убайдуллаев сингариларнинг номларини фахр билан тилга олди.

Тадбиркор Арслонов 40 нафардан ортиқ фуқарони иш билан таъминлаганлиги диққатга сазовордир.

— Бир йил давомида савдо-сотиқнинг ўзидан бир миллион сўмдан ортиқ даромад солиғи, қирқ минг сўмдан зиёд пенсия фондига тўламоқдамиз, — дейди тадбиркор. — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Туркистон маҳалласи фуқаролар йиғини биносини жорий таъмирлаб бердик. Наврўз маҳалла фуқаролар йиғинидаги кам таъминланган, якка-ёлғизларни байрам ва ҳайитларда совғалар билан йўқлаб турибмиз.

Саховатли тадбиркорлар Мингтепа маҳалласидаги 47-гимназияга ҳам моддий ёрдам беришди.

**Абдурасул ЭРАЛИЕВ, журналист**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ СИЁСИЙ НУФУЗИ

***Ҳадемай Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигини тантанали нишонлаймиз. Шу кунларда ким эдигу ким бўлдик деган фикр беихтиёр хаёлга келаверади.***

***Менинг талабалик йилларим Истиқлолдан анча илгари яқин хорижда ўтган. У жойнинг кишилари, айниқса ёшлари Ўзбекистон ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаганлиги ғоят мени ажаблантирган. Ўшанда нега биз уларни яхши биламизу, улар бизни билмайди деган ўйлар қийнар эди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида ўтириб, маърузаларни тингларканман юрагимга иliқлик югуради, ўзимча шукур, ўшал армонларим ушалди дейман. Чунки овозимиз етиб бормаган дунёнинг бурчаги қолмади. Биз дунёнинг манаман деган мамлакатлари билан тенгма-тенг гаплаша оламиз. Юртбошимиз энг нуфузли халқаро ташкилотлар мажлисларида иштирок этиб, маърузалар қилмоқда. Бизни дунё тингламоқда.

Олий Мажлис қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига назар ташласанг ҳам, мамлакатимиз бўй-басти нақадар юксалганлигини ҳис этасан.

Дастлаб «2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди.

Биз халқаро муносабатларда дунё ва минтақамизда вужудга келаётган мураккаб ва шиддатли вазиятни инобатга олиб, тинч ва фаровон ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган миллий манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан туриб ёндошмоқдамиз. Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ҳам шундан иборат.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон давлати 50 дан ошиқ халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Жумладан, 2006 йил 25 январда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига кирди. Ҳамжамият давлатлараро Кенгашининг 263-сонли қарорига мувофиқ 70 дан ортиқ халқаро шартномаларга қўшилишимиз лозим бўлади.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисида Конвенция ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ ҳамжамият ва унинг мансабдор шахслари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш учун аъзоликка қабул қилинган мамлакатда имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланадилар. 2001 йил 31 майда Минскда имзоланган ушбу Конвенция 2002 йил 15 декабрдан кучга кирган бўлиб, у 4 бўлим ва 54 моддадан иборат. Бу Конвенция ҳамжамият органлари ва мансабдор шахслари, шунингдек, аъзо мамлакатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва дипломатларига алоқадордир.

Ҳамжамият мулки, активлари ва бинолари суд ва бошқа маъмурий аралашувлардан холи бўлиб, дахлсизлик ва иммунитетлардан фойдаланади. Солиқ, бож ва бошқа тўловлардан озод этилади. Лекин шу нарса таъкидланадики, улар аъзоликка қабул қилинган мамлакатнинг қонунларига ҳурмат билан қарайди, ички ишларига аралашмайди.

Иккинчи бўлиб, «1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўрилди.

Мазкур шартнома 6 боб, 70-моддадан иборат бўлиб, босқичма-босқич ягона иқтисодий ҳудудни шакллантиришга бағишлангандир. Бунда товарларни эркин ташқи савдосини тартибга солиш, божхона иттифоқига доир қоидалар мустаҳкамланган, умумий бозор, жумладан, умумий меҳнат бозори, ижтимоий сиёсат сармоялари ҳаракатлари, илмий-технологик, информацион ривожланиш масалаларига эътибор қаратилгандир. Аъзо мамлакатлар қонунчилиги ҳам шунга мувофиқ бир бири билан уйғунлашади.

Учинчи бўлиб, «2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евроосиё иқтсодий ҳамжамиятига аъзо давлатлар ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлиқ қилиш тўғрисидаги Шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди.

Шартнома 13 модда, 5 иловадан иборат.

Маълумки, дунёнинг айрим минтақаларида нотинчлик ҳукм сурмоқда. Баъзи ҳудудлардаги табиий офатлар, экологик муаммолар, ичимлик суви танқислиги, ғарб мамлакатларида имигрантларнинг ортиб бораётганлиги, турли мақсадлардаги террористик хуружлар, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, диний экстремизм ва фундаментализм кўринишлари каби глобал муаммолар ҳеч бир давлатни четлаб ўтмайди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, буларни «назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши»нинг олдини олиш учун бир-бирига яқин жойлашган мамлакатлар ўзлари жойлашган минтақадаги хавфсизликни таъминлаш учун биргаликда ҳаракат қилишларини замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Мана нима учун биз мазкур Шартномага қўшиламиз.

Тўртинчи бўлиб, «2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (2006 йил 15 июн, Шанхай) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди.

Хартия 26 та моддадан иборат.

Мазкур ташкилот тарихан қисқа давр ичида 1,5 миллиард аҳоли яшайдиган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, сиёсий, иқтисодий ва социал-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қодир бўлган халқаро ташкилот сифатида ўзини намоён қилди. Бу ташкилотнинг сиёсий обрўйи тобора мустаҳкамланмоқда, унинг фаолиятига иштирок этиш истагини билдирган мамлакатлар сони ортиб бормоқда.

Хартияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий-ташкилий, техникавий масалалар билан боғлиқ бўлиб, ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи ижроия органи ишини пухта ташкил этиш, қарорлари ижросини назорат қилишга тааллуқлидир.

Шу билан бирга, миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги, «Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги ва бошқа қонун лойиҳалари фаол муҳокама қилинди.

Парламент кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**Довуд МАДИЕВ, «Ишонч»нинг Парламентдаги мухбири**

### Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

# АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

## оиласиз қолган ва етим болаларни ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш

***Тақдир гўзал ҳолатлари билан биргаликда инсон кутмаган ва истамаган кўринишларда бўладики, ҳамма замонда ҳам ана шу муаммоларга одам боласи рўпара келаверади. Оиласиз қолган ёки етим болалар бундай қийинчиликларни бошидан кўпроқ кечиришади. "Сен ёлғиз эмассан" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси жамиятнинг ана шундай қатламини тўғри йўлга бошлаб, талаб даражасида шаклланиб кетишларига ёрдам беради. Мухбиримиз мазкур жамғарма раиси Жавлон Эгамбердиев билан суҳбатда бўлиб, бир неча саволлар берди.***

**— Жавлон ака, мусоҳабамизнинг аввалида ушбу жамоатчилик ташкилотининг мақсади ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Асосий мақсадимиз ота-она тарбиясига муҳтож ёки етим болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш. Уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, руҳий ва аҳлоқий тарбиялаш, моддий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш.

Ижтимоий соҳада фаолият кўрсатаётган барча тузилмаларни ҳамкорликка жалб этиш, болаларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасини мукаммаллаштириш ва мониторинг ўтказиш ҳам жамғарманинг доимий мақсади ҳисобланади.

Жамғарманинг ҳар бир лойиҳаси асосида ётган ижтимоий фойдали мақсад шундан иборатки, у жамиятнинг кўнгли ярим қатламларидан чиққан болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашда жамоатчилик ташкилотига ҳар томонлама кўмак кўрсатади. Мамлакатдаги ва ривожланган хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибасини ўрганиб, умумлаштириб хайрия дастурлари ишлаб чиқади.

**— Кўмакка муҳтож болаларга ёрдам кўрсатиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Бу борада жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, бу ишга давлатнинг турли идоралари ҳам жалб этилган. Масалан, 2005 йилнинг ноябр ойидан жамғарма томонидан лойиҳалар бўйича иш бошланиб, Халқ таълими, Олий ва ўрта-махсус таълим, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, шунингдек, "UNICEF", "UNESCO", "UNFPA" каби халқаро ташкилотлар билан алоқа боғланган.

Вазирлар Маҳкамаси ва манфаатдор идора, ташкилотлар кўмагида 2004 йил 3-4 июл кунлари "Етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш", "Қаровсиз болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали шакл ва усуллари" мавзуларида халқаро анжуман ўтказилди. Унда юзага келган масалаларни ҳал этиш бўйича Ўзбекистонда ишлаётган давлат тузилмалари, халқаро ва нодавлат ташкилотларига мўлжалланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ушбу йўналиш доирасида ҳукумат ҳамда манфаатдор вазирлик ва республика идоралари ҳамкорлигида жамғарманинг Ўзбекистон Республикасида болаларни ижтимоий мослаштириш республика марказини тузиш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватланди. Унинг ташкил қилиниши жамғарма фаолиятида муҳим қадам бўлди. У болалар уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандларига коллежлар ҳамда олий ўқув юртларига ўқишга киришда олинадиган қўшимча таълим муаммосини ҳал этади.

Етим болалар ўқув марказида қўшимча таълим, касбий билим олиши учун машғулотлар ўтказилмоқда (репетиторлик шароитларида). Шунингдек, улар ҳуқуқ ва давлат қурилиши асослари, Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенция, жаҳон халқлари тарихи, анъана ва одатлари, компьютер саводхонлиги асослари ва бошқалар билан таништирилади. Бундан ташқари, марказда "Мунозаралар клуби", овоз ёзиш студияси, драматик студия, замонавий ва миллий рақслар студияси, жумладан, вокал ва изостудия фаолият кўрсатмоқда.

Етим болаларга ўз вақтида руҳий кўмак кўрсатиш учун жамғарма қошида руҳий хизмат ташкил қилинган. Бу ерда болалар "Меҳрибонлик уйи"даги ўқув-тарбиявий жараённинг ҳолати ва ўз турмуш шароитлари ҳақида ҳикоя қилишлари мумкин. Зарур ҳолатларда эса ҳуқуқий ва руҳий кўмак олишади.

"Меҳрибонлик уй"лари тарбияланувчилари тиббий диспансеризацияси жамғарма ташаббуси билан Соғлиқни сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида илк бора 2003 йилда ўтказилган. Бу тадбир олий тоифали амалиёт шифокорлари томонидан амалга оширилиб, унинг мақсади болаларнинг умумий жисмоний ҳолатини, патологиясини аниқлаб, зарур бўлганда келгусида уларни даволаш борасида қарорлар қабул қилишдир.

2006 йилнинг бошида "Меҳрибонлик уй"лари болалари тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу юмуш Республика болалар жамоатчилик жамғармаси билан Корея Республикасидаги "Енг-ранг" халқаро хайрия жамғармаси ўртасидаги келишувга кўра амалга оширилди.

Ҳуқуқий кўмак хизмати болалар уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, жумладан, кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳуқуқий ёрдам бериш учун ташкил этилган. Унинг фаолияти судда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда бевосита ёрдам кўрсатишдан иборат. Бунда ота-она қаровисиз қолган болаларнинг аниқланган хатоликлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўрилиб, умумлаштирилгач, тегишли қарорлар чиқарилади. Жамғарманинг ҳуқуқий хизмати суд жараёнларида қатнашишдан ташқари, болалар уйлари билан доимий алоқада бўлиб, уларга маслаҳат йўли билан ёрдам кўрсатади, хатлар ва мурожаатлар тайёрлашни амалга оширади. Хизмат томонидан "Меҳрибонлик уй"лари тарбияланувчилари ўртасида турар-жой, коммунал хизмати, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий масалалари бўйича суҳбатлар ўтказилади. Жамғарма томонидан ишлаб чиқилган "Меҳрибонлик уй"лари учун маълумотлар базаси ҳар бир бола тўғрисида зудлик билан ва тўлиқ руҳий, ҳуқуқий ҳамда тиббий ахборот олиш имконини беради.

Жамғарманинг янги лойиҳаларидан бири "Ҳарбий ватанпарварлик синфи"ни вужудга келтиришдир. 2005 йилнинг декабрида Мудофаа ва Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда Тошкентдаги 21-"Меҳрибонлик уйи" қошида болалар уйлари тарбияланувчиларидан иборат курсантларни жанговор санъатларга ўргатиб, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга мослашган синф ташкил этилди.

Жамғарма фаолиятида жамоатчилик ташаббускорлигини ривожлантириш ва рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу пировардида мустақил жамоатчилик назоратини ташкиллаштириш ва муайян ижтимоий муаммоларни ечиш имконини беради.

Оммавий ахборот воситалари ўртасида ўтказилган "Мен бахтли бўлишга ҳақлиман" мавзуидаги республика танловининг ўтказилиши натижасида ОАВда ота-она қаровисиз қолган болалар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг янги, истиқболли шакллари вужудга келди.

Республика ХТВ билан ҳамкорликда "Ўз юрагимни болаларга бераман" мавзуида "Йилнинг энг яхши тарбиячиси" танловининг асосий мақсади жамоатчилик эътиборини "Меҳрибонлик уй"лари ҳаётига қаратиш, педагоглар нуфузини ошириш, ижобий иш тажрибасини тарғиб этиш, ота-она қаровисиз қолган болалар ва етим болаларнинг ҳар тарафлама ривожланиши учун шароит яратишдир.

Ота-она қаровисиз қолган болалар алоҳида эътибор ва парвариш талаб этади. Уларнинг яшаши осон эмас. Баъзилари яқинлари йўқлиги боис турмушдаги оғир шароитлардан чиқиб кета олишмайди. Муаммоларни мустақил ҳал эта олмаслик эса уларни судланишгача олиб келади. Шунинг учун уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, яхши яшашини таъминлаш, ҳар тарафлама ва уйғун ривожланиши учун зарур шароитларни яратиш Ўзбекистонда тўла маънодаги фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**"Ишонч" мухбири**





*Чиноз тумани пахтакорлари жорий йилда 8 минг гектар ерда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштиришмоқда. Айни пайтда мавжуд пахта майдонларининг 1540 гектаридаги ҳосилни машиналарда териш режалаштирилаётир. Бунинг учун туман машина-трактор паркидаги 11 та терим машиналари ҳар қачонгидан барвақт мавсумга тайёрланмоқда.*

*Ўз навбатида 74 нафар киши меҳнат қилаётган жамоада уларнинг унумли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилган.*

**Суратларда: машина-трактор парки раҳбари Одилжон Шарипов ҳамда тажрибали иқтисодчи Мунир Агишев; моҳир чилангар Раҳматилла Ибрагимов.**

**А.ХУДОЁРОВ**
**олган суратлар**

### Ахборот

# ИШЛИ БЎЛИШДИ

*Яқинда Олтинсой туманида 2005-2006 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" ўтказилди. Унда ҳудудда фаолият кўрсатаётган 25 та корхона, ташкилот ва муассаса 185 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирда меҳнат бўлими, прокуратура, ички ишлар бўлими, кўниктириш маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этишди. Натижада 118 нафар йигит-қизлар ишли бўлишди. Шунингдек, 25 нафар фуқарога тегишли маслаҳатлар берилди.*

**Ўрол БЕКМУРОДОВ,**
**Сурхондарё вилояти**

### Қарор ва ижро

# ҲИСОБОТ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

***Ҳозирги кунда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун унинг ҳуқуқий базасини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йил июн ойида тадбиркорлик субъектларига бир қатор қулайликлар яратувчи Фармон ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бири мамлакатимиз иқтисодиёти ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожи учун катта имкониятлар яратмоқда.

2006 йил 15 июндаги "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарор шулар жумласидандир. Ушбу қарорни қабул қилишдан мақсад тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш ҳамда қўшимча ҳисоботларни ноқонуний талаб этиш ҳолатларига йўл қўймасликдир.

Қарорда Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни қабул қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатишни, тадбиркорлик субъектларидан молиявий, статистик ҳисоботлар, шунингдек, бошқа маълумотларни ноқонуний талаб қилишда айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарлигини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Бу вазифани бажариш учун адлия идоралари томонидан мазкур қарор моҳиятини, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича семинарлар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Қарорнинг ижросини ўрганиш шуни кўрсатдики, баъзи мансабдор шахслар ҳисобот талаб қилишга ҳамон эскича ёндошмоқдалар. Масалан, вазирликнинг ҳудудий бўлими томонидан Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Сайхунобод туманлари, Гулистон шаҳар ва Янгиер шаҳар ДСИ ҳамда статистика бўлимларининг хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналардан ҳисоботларни қабул қилишнинг қонунийлиги ўрганилганда, қатор қонунбузилишлар аниқланган. Натижада бир қатор мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ва маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилган. Шуни эслатиш керакки, қарор талабини бажармаслик оқибатида тадбиркорлик субъектларига етказилган моддий ва маънавий зарарни судлар орқали айбдорлардан ундириш белгилаб қўйилган.

**Ф.ФАРИҚОВ,**
**Адлия вазирлиги**
**бўлим бошлиғи**

# ФАРОВОН

***Маълумки, мустабид тузум даврида Ўзбекистон умумиттифоқ меҳнат тақсимотида хомашё базаси вазифасини бажарар эди. 1990 йилда собиқ Иттифоқда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 62,4 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келарди ҳамда етиштирилган пахтанинг 7 фоизигина республикада қайта ишланар эди.***

***Айнан шу сабабли, Ўзбекистон ресурсларга бой мамлакат бўла туриб, иқтисодий тараққиётда кўпгина Шарқ мамлакатларидан орқада қолиб кетди. 1990 йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича дунёда 75-80 ўринни эгаллади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, унинг таркибий структураси, таркибининг янгиланиши, яъни диверсификацияси жиҳатидан дунё талабларидан анча орқада қолди.***

Республика иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг қайта ишловчи тармоқлари улушининг юқорилиги ўзига хос эди. Агар 1990 йилда собиқ Иттифоқ миллий даромадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуши 24,9 фоизни ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 44,2 фоиздан юқори бўлган. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони эса, мос равишда 18,2 фоиз ва 39,3 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, саноат маҳсулотининг асосий қисми енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидан иборат бўлиб, уларнинг улушига ушбу тармоқ маҳсулотининг 56 фоизи тўғри келган. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистонда бутун экспорт салоҳиятининг 80 фоизини ташкил этган.

Ўзбекистонда машинасозликнинг суяги ҳисобланадиган дастгоҳ ишлаб чиқариш, айниқса, заиф ривожланди. Натижада ишлаб чиқариш воситалари ва саноат материаллари ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳозирги замон ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган автомат ва ярим автомат мураккаб дастгоҳлар ишлаб чиқариш кечикди.

Вужудга келган номутаносибликлардан яна бири йирик, ўрта ва майда корхоналар ўртасидаги нисбатдир. Собиқ Иттифоқ вазирлик ва маҳкамалари томонидан барпо қилинган корхона ва бирлашмалар асосан улкан ҳажмли бўлиб, йирик ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Бу, албатта, республикада саноат ишлаб чиқаришнинг анъанавий турларини ривожлантириш, меҳнат жамоаларининг ҳаракатчанлик қобилиятини ошириш, бозор конъюнктурасига тезкор мослашув каби талабларга жавоб бермасди.

Саноат тараққиётида кўзга ташланган номутаносибликлардан яна бири саноат корхоналарини маҳаллий кадрлар билан таъминлашда кўринади. Бу ердаги ғалати вазият шундаки, нисбатан анча паст ривожланган саноат ҳам маҳаллий ишчи - кадрлар билан таъминланмади. 50-60-йилларда барпо қилинган Навоий, Зарафшон, Муборак, Ангрен, Янгиер ва бошқа индустриал шаҳарлар собиқ марказ вазирлик ва маҳкамаларига бўйсунувчи йирик саноат корхоналари базасида барпо қилинган бўлиб, уларга керакли малакали ишчи кадрлар собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудуд ва саноат районларидан кўчириб келтириларди. Бу ҳам, маҳаллий миллат вакилларидан ишчи-кадрлар тайёрлаш муаммосини орқага сурди. Бу муаммо 20-30-йилларда қандай долзарб бўлган бўлса, кейин ҳам шундайлигича қолаверди.

Агар Иккинчи жаҳон уруши бўлмаганда эди, собиқ Иттифоқнинг марказий ҳудуд ва шаҳарларидан биронта саноат корхонаси Ўзбекистонга кўчириб келтирилмас эди - бу ўта мажбур ва бошқа йўл қолмаганлигининг натижаси эди. Бундай ҳолатни 1966 йил апрел ойида содир бўлган Тошкент зилзиласида ҳам кўриш мумкин. Тошкентга келган қурувчиларнинг кўпчилик қисми ўзлари қурган биноларда истиқомат қилиш учун муқим яшаб қолди.

Маҳаллий миллат вакилларининг салмоғи Тошкент самолётсозлик бирлашмаси, вагон таъмирлаш, кабел заводларида 20-30 фоиздан нарига ўтмади. Улар тўқимачилик, маҳаллий саноат каби анъанавий саноат тармоқларида кўпроқ бўлиб, тоғ-металлургия, машинасозлик каби тармоқларда жуда ҳам кам эди.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноатсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигининг қолоқлиги саноатнинг ночорлиги билан, унинг тараққиёт даражаси билан белгиланади. Саноат ночор бўлса, қишлоқ хўжалиги ҳам ночор бўлади.

Табиийки, иқтисодиётдаги салбий ҳолатлар аҳоли турмуш даражасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда қуйидаги кўрсаткичлар: саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (икки марта), ижтимоий соҳанинг ривожланиши (аҳоли даромадлари, уй-жой билан таъминланганлик, коммунал хизматлар кўрсатиш, маданий-маиший объектлар ва бошқалар) бўйича ўртача кўрсаткичдан анча орқада эди.

1990 йилда аҳоли жон бошига товарлар ва хизматлар истеъмоли Россияда - 3735, Грузияда - 3575, Украинада - 3470, Қозоғистонда - 2900 ва Ўзбекистонда эса 2200 АҚШ долларини ташкил этарди.

1990 йилда жон бошига гўшт истеъмол қилиш Белоруссияда - 73 кг., Қозоғистонда - 71 кг., Россияда - 69 кг., Украинада - 65,5 кг. бўлган бўлса, Ўзбекистонда - 30 кг. ни ташкил этди. Тухум истеъмол қилиш жон бошига Белоруссияда - 320, Россияда - 228, Қозоғистонда - 207 дона бўлган бўлса, Ўзбекистонда - 107 донани ташкил қилди.

Хуллас, собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон иқтисодиётида жуда кўп муаммолар ва номутаносибликлар йиғилиб қолган эди.

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши билан Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг кенг истиқболлари очилди ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўли танлаб олинди. Республикада барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш учун иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришлар қилиш муҳим вазифалардан бирига айланди.

Бугунги кунда иқтисодиётни барқарорлаштиришга кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқариш механизмини ихтисослаштириш, иқтисодий қонунлар мутаносиблигини таъминлаш орқали эришиш мумкинлиги амалда яққол намоён бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибий тузилишида чуқур ўзгартиришлар амалга оширилиши оқибатида республиканинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ўз ҳисобидан тўла таъминланди ҳамда ғалла мустақиллиги қарор топди.

Агар 1991 йилда мамлакатимизда 2831 минг тонна нефт ва газ конденсати ишлаб чиқарилган бўлса, 2005 йилда 5449,3 минг тонна, ғалла ишлаб чиқариш эса, шу муддат ичида 1908,2 минг тоннадан 6000,8 минг тоннага етди. 2006 йилда республикада 6100 минг тоннадан ортиқ ғалла етиштирилди. Мустақилликнинг дастлабки йилига нисбатан ғаллачиликда ҳосилдорлик 4,5 баробар, ялпи ҳосил миқдори эса 6,5 баробар ошди.

Шу давр мобайнида республика саноатида юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг, яъни машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат кабиларнинг ҳиссаси ортиб борди. Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ тузилишини ўзгартиришда Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конларининг ишга туширилиши, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши, Янги Ангрен ва Талимаржон ГРЭСлари қурилишининг жадаллаштирилиши, металлургия саноати ишлаб чиқаришининг оширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Республикамиз учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноатининг вужудга келтирилиши натижасида Ўзбекистон "Автотранспорт ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилоти"нинг 33-тўлақонли аъзоси сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари таркибий тузилишида ҳам маълум ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ёқилғи-энергетика, кимё ва нефт-кимё саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг улуши ортиб бормоқда.

2005 йилда саноат корхоналари томонидан 10913,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қулай ташқи иқтисодий конъюнктура ва ички талабнинг ортиб бориши саноат ишлаб чиқаришининг ўсишига хизмат қилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатлари ўсган қисмининг қарийб 60 фоизи ички омиллар, хусусан, асосий капиталга инвестициялар киритилиши ва аҳоли даромадларининг ўсиши билан изоҳланади.

Саноатда яратилган қўшилган қийматнинг ўсиш индекси йил сайин ортиши натижасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида саноатнинг улуши ўсиб бормоқда. Масалан, ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 2000 йилда 13,5 фоиз бўлган бўлса, 2003 йилда 15,8 фоиз, 2004 йилда 17,5 фоиз ва 2005 йилда эса 20,7 фоизни ташкил этди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмида оғир саноат катта ўрин эгаллайди. Кейинги йилларда металлургия, асбобсозлик, тиббиёт саноати, ипакчилик, макарон ишлаб чиқариш, мева-сабзавотни қайта ишлаш каби тармоқлар янада ривожланди. Мустақиллик йилларида саноатда 470 дан ортиқ маҳсулотнинг янги турлари ўзлаштирилди.

Эндиликда бошланган таркибий ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминламоқда.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида бутун иқтисод таянчи бўлган базавий тармоқларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ўзбек моделининг муҳим жиҳатидир.

Базавий тармоқлар бу миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун энг зарур бўлган ресурсларни етказиб берувчи тармоқлар мажмуидир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётга хизмат қиладиган ва техника тараққиётини таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланган базавий тармоқларга йирик инвестицияларни йўналтириш давлатнинг бевосита кўмаги орқали ривожланмоқда. Дарҳақиқат, мустақилликнинг муҳим иқтисодий шарти ҳисобланган базавий тармоқларни ривожлантириш орқали, биринчидан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга эришиш, иккинчидан, дунё ҳамжамиятида иқтисодий қудрати катта бўлган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш мумкин. Шунингдек, базавий тармоқларни ривожлантириш иқтисодиётда янги инфратузилмаларни барпо этиш учун катта имкониятлар яратади.

Республика Президентининг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони (11.04.2005й.) мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестициялар иштирокини кенгайтириш учун муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Унга асосан 2005 йил 1 июлидан бошлаб, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни меҳнат ресурслари кўп бўлган ҳудудларда ташкил қилиш шарти билан даромад (инвестиция ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 3 йилдан 7 йилгача), мол-мулк, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқлар ва бошқалардан озод этилган.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларини жадал модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш стратегияси, амалга оширилаётган инвестиция сиёсати доирасида Республика Президентининг 2006 йил 11 май Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг «Тикланиш ва тараққиёт» жамғармаси ташкил этилди.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аҳоли турмуш даражасининг доимий равишда юқори бўлишига энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш орқали эришилиб келинмоқда. Масалан, Германиянинг қисқа вақт мобайнида Европа иқтисодиётининг устунларидан бирига айланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳал қилувчи рол ўйнади. Давлатнинг бу борадаги оқилона сиёсати туфайли урушдан кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 10 фоиздан 65 фоизга кўтарилди .

Кўпчилик ҳавас билан қарайдиган "Япон мўъжизаси" ҳам давлатнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсати самарасидир. Ҳозирги кунда бу ерда иқтисодиётнинг мазкур бўғини мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғини бермоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади, унинг фаолияти нафақат йирик бизнес, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари, ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайти-

*Истиқбол қурилишлари*

# «ИПАК ЙЎЛИ» РАВОНЛАШМОҚДА

***Машинамиз кафтдек текис ва равон йўлдан елдек учиб бораркан, ҳамроҳимиз — ёши етмишни қоралаб қолган оқсоқол чанқаганини билдирди. Унга муздек "Бухоро" сувидан бир пиёла тўлдириб узатдим. Ҳайдовчи эса ҳамон ўша тезликда машинасини учириб борарди. Отахон миннатдорчилик билан сувни оларкан, дастлаб пиёлани ўзидан узоқроқ тутди. Бу "йўлда машина силкиниб устимга сув тўкилмасин", дегани эди. Бироқ бир неча дақиқа мобайнида тўла пиёладан бир томчи ҳам сув тўкилмади. Бу ҳолатдан чолнинг чеҳраси ёришиб кетди.***

— Эҳ, замонангдан ўргилай, отасига раҳмат, қўллари асло дард кўрмасин бу йўлсозларнинг, — дея дуога қўл очди...

Ҳа, халқимизда йўлинг равон бўлса, манзилинг яқин бўлади, деган мақол ҳам бор. Шу нуқтаи назардан қаралса, Бухорода, аниқроғи, вилоят марказида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай хайрли ва савобли ишда Бухоро махсус йўл-кўприк пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Корхона йўлсозлари айни кунларда кенг кўламдаги бунёдкорлик тадбирларини бажаришаяпти. Уларнинг саъй-ҳаракати билан Ғузор-Бухоро-Нукус автомагистралининг Когон тумани ҳудудидан ўтувчи 211-216 километрларида тўла таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

— Мазкур объектнинг 5 километрлик масофасида 1 миллиард 560 миллион сўмлик йўлсозлик ишларини адо этишимиз лозим, — дейди корхона раҳбари Муродилла Бердиев. — Трассани ажратувчи йўл ўртасидаги гулзор тартибга келтирилади. 20 километр масофага бетондан йўл ҳошиялари ўрнатилади. Йўлнинг қатнов қисми кенгайтирилиб, 24 метрга етказилгани ҳолда 6 та ҳаракат тасмаси ташкил этилади.

Чиндан ҳам жамоа зиммасидаги ишлар кўлами кенг ва масъулиятли. Уни ноябр ойигача тугаллаш лозим. Белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида бажариш учун айни кунларда бу ерда 60 нафар ишчи-мутахассис, ўндан ортиқ махсус техника самарали фаолият кўрсатмоқда. Суръат ва сифатнинг асосий мезон қилиб олингани, меҳнат аҳлига яратилган қулай шарт-шароитлар ишнинг бир маромда боришини таъминлаяпти.

230 нафар йўлсозлардан иборат жамоанинг бошқа ҳудудларда олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга моликдир. Чунончи, участка бошлиғи И. Очилов етакчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар Бухоро шаҳри марказидаги Мустақиллик кўчаси автомобил йўли ва пиёдалар йўлакларига асфальт ётқизиш ҳамда гулзорларни тартибга келтиришда фаол қатнашмоқдалар.

Яна бир гуруҳ бунёдкорлар эса Самарқанд-Бухоро-Туркманистон автомагистралининг Олот тумани ҳудудидан ўтувчи 351-356 километрларида қайта қуриш ишлари билан шуғулланишаяпти. Йил охиригача бу ерда 1,5 миллиард сўмлик ободончилик ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

— Зиммамиздаги вазифаларни бажариш, йўлларнинг текис ва равонлигини таъминлашга жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўзини масъул деб билади, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Соли Дўстов. — Уларнинг меҳнатига яраша етарли ғамхўрлик ҳам кўрсатилмоқда. Узоқ объектларда ишлайдиган йўлсозларимиз ётоқхона, дам олиш хоналари, махсус техника ва транспорт воситалари билан таъминланган. Овқатланишни ташкил этиш ҳам яхши йўлга қўйилган, ойлик маошлар ўз вақтида тўлаб борилаяпти. Меҳнатда ташаббускорлик кўрсатганлар алоҳида рағбатлантирилмоқда.

Дарҳақиқат, эл-юрт ободончилиги учун хайрли ва савоб ишларни амалга оширган кишилар ҳамиша эъзозда бўлишган. Бухоролик йўлсозлар ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**






## «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Ҳамма жойда бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам 10 августдан 10 сентябргача "Тоза ҳаво" тадбирининг 2-босқичи ўтказилмоқда. Шу боис йўлларда транспорт воситалари қатновини тартибга солиш ва назорат қилишга вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунда транспорт воситаларининг техник ҳолатини кўздан кечириш билан бирга ёнилғиларнинг сифати ҳам синчиклаб текширилмоқда.**

**Муҳими, йўлларнинг бехатарлиги ва атроф-муҳитнинг экологик тозалигини таъминлаш учун барча ташкилий тадбирлар бекаму кўст бажарилмоқда.**

*Суратларда: вилоят ИИБ ЙҲХБ инспекторлари, майор Фурқат Раҳмутуллаев, капитан Мурод Султонов ҳамда капитан Шарофиддин Эрматов навбатдаги тадбир олдидан; ЙПХ инспектори, сафдор Абдумажид Равшанов.*

**А.ХУДОЁРОВ олган суратлар**

IPOTEKA BANK

Озод ва обод юртнинг
истиқлол шукуҳи ўзгача



Мустақилликнинг 15 йиллиги муборак,
Азиз юртдошлар!

Байрам муносабати билан Сизларга
янги
**"Ёғду" омонатини**
таклиф этамиз

**Йиллик 24 фоиз**
Омонат муддати - 2 ой
Минимал сумма - 100 000 сўм
Омонат 2006 йил 1 сентябргача қабул қилинади

www.ipotekabank.uz
ЎзР МБ №74 сонли лицензияси

*Истиқлол одимлари*

# ҲАЁТ ГАРОВИ

Кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари жуда катта ижобий хислатларга эга. У бир томондан йирик корхоналар билан рақобатда бўлиб, шу нуқтаи назардан иқтисодиётнинг бозор конъюнктураси ва истеъмолчилар талаби ўзгаришларига тезроқ мослашиши натижасида иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта тузилишига ёрдам беради. Иккинчи томондан, кичик ва ўрта корхоналарнинг катта қисми йирик бизнес билан ҳамкорлик қилиш орқали уларни тўлдиради ва мустаҳкамлайди, уларга хос бўлган техник консерватизмни бартараф этишга кўмаклашади. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдиради, мамлакат экспорт салоҳиятини оширади.

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш якунлари таҳлили Ўзбекистон иқтисодиёти ялпи ички маҳсулотида унинг улуши ортиб, банд бўлганлар сонини кўпайиб бориш масалаларини ечиш ҳам ана шу тармоқнинг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқ.

Агар ҳозирги замон шароитида асосий истеъмол моллари конъюнктураси дунё бозорида ўртача ҳар тўққиз ойда ўзгариб туришини инобатга олсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг изчил ривожланишида нечоғли муҳим аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодийислоҳотлар туфайли мамлакатимизда истиқболли деб топилган мулкдорлар синфи ривожланмоқда. Ҳозирги кунда мулкдорлар синфини, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Хусусий тадбиркорлик ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1999 йилда 29,1 фоиз бўлган бўлса 2001 йилда 33,8 фоиз, 2002 йилда 34,6 фоиз, 2003 йилда 35,5 фоиз, 2004 йилда 35,6 фоиз, 2005 йилда 38,2 фоизни ташкил этди.

2005 йилда ҳам республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тармоқ кўлами ҳамда ҳажми салмоқли даражада ўсди. Кичик бизнес корхоналари сони 310 мингтадан ортиб кетди.

2006 йилнинг биринчи ярмида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари сони 2005 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 25 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи эса 3,2 фоизга кўпайди.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 2005 йилда 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортди ва 2005 йилда 38,2 фоизни ташкил этди. Аммо бу кўрсаткич ҳам етарли эмас.

Президентимиз томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги (2006 йил 10 феврал) маърузасида мамлакатимизни 2006 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этишнинг асосий устувор вазифалари, методологик ва ташкилий тамойиллари аниқлаб берилган бўлиб, жумладан, хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини ҳозирги кундаги 38,2 фоиздан 2007 йилда 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, унинг бозор муносабатларига мослашганлик даражасини оширади, муҳими, аҳолини иш билан банд этишнинг самарали воситасидир.

Шу билан бирга, улар фуқароларга нафақат ўз мулки, балки ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулк эгаси бўлишга имкон беради, демократия ва ижтимоий барқарорликдан манфаатдор ижтимоий қатламнинг шаклланиши учун асос яратади. Зеро, аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадини ошириш борасида кичик ва хусусий тадбиркорликка кенг шароит яратиб берибгина қолмай, ижтимоий қатламлар ўртасида кескин тафовутлар келиб чиқишининг олдини ҳам олади.

Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилиши ўз навбатида мамлакатимизда ўрта мулкдорлар синфининг ортишига олиб келади.

Кичик ва ўрта даражадаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бир томондан кўп укладли аралаш иқтисодиётга олиб келса, иккинчи томондан, ўрта мулкдорлар қатламини шакллантиришни жадаллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўрта мулкдорлар табақаси ҳиссаси ҳали бизнинг мамлакатимизда унчалик юқори эмас, шунинг учун бу борадаги ишларни жадаллаштириш лозим.

Сабаби, манбалардан яхши биламизки, ўрта мулкдорлар синфи шаклланган давлатларда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда катта ижобий ютуқлар қўлга киритилади.

Масалан, дунёда эътироф этилган "Хитой модели" туфайли ялпи ички маҳсулоти бир неча йилдан буён 7-8 фоиз миқдорда барқарор ўсиб келаётган бу давлат дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олди. Хитой давлати сўнгги ўн йилликларда иқтисодиёт, илм-фан, ижтимоий соҳа, маданият ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ҳавас қилса арзийдиган юқори барқарор тараққиёт суръатларига эришди.

Маълумки, ўрта мулкдорлар мураккаб иқтисодий шароитда ҳам расмий усулда ҳамда қонуний йўл билан сарфланган меҳнат ва воситалари ҳисобига ўзини ўзи таъминлабгина қолмай, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолишга ҳам ҳисса қўшади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимиз аҳолиси орасида мулкдорлар ҳиссаси 70-80 фоиздан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Албатта, қайси қатламга мансублигини белгилайдиган асосий мезон бу мулкдир. Жамиятда ижтимоий қатлам мулк миқдори билан белгиланади. Шунинг учун мулкдорлар қатламини кўпайтириш муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. "Мамлакатда чинакам ўрта мулкдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислоҳотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари ҳал бўлади", — деб таъкидланади Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида. Шу боис бугунги кунда мулкдорларни шакллантириш барқарорлик ва тараққиёт, қолаверса, мамлакатимизда қурилаётган фуқаролик жамиятининг таянчи деб айтишга асосимиз бор.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида энг муҳим долзарб вазифалардан бири бу мулкий муносабатларни янада такомиллаштириш, мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни охирига етказиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришдир.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги давомида иқтисодий ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши натижасида қўлга киритган ютуқларни қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши таъминланди. ЯИМ олдинги йилга нисбатан 1996 йилда 101,7, 1997 йили 105,2, 1998 йилда 104,4, 1999 йилда 104,4, 2000 йилда 104, 2001 йилда 104,5, 2002 йилда 104,2, 2003 йилда 104,4, 2004 йилда 107,7, 2005 йилда 107,0 фоизга ўсди. 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 2005 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 106,6 фоизни ташкил этди.

1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон саноати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Олдинги йилга нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1997 йилда 106,5, 1998 йилда 105,8, 1999 йилда 106,1, 2000 йилда 106,4, 2001 йилда 104,5, 2002 йилда 108,1, 2003 йилда 108,4, 2004 йилда 109,4, 2005 йилда 107,3 фоизга кўпайди. 2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 2005 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 109,7 фоизга ўсди.

2005 йилда ЯИМ нинг 75,8, саноат маҳсулотини 78,4, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 99,5 фоизи нодавлат секторида ишлаб чиқарилди. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,1 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди.

Иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолиятни таъминлади. Бундай шароитда инвестицион фаоллик 2005 йилда 3012,9 млрд. сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш имконини берди. Инвестицияларнинг ўсиш ҳажми 107 фоизга тенг бўлиб, 2004 йилга нисбатан 1,8 фоизга юқори бўлди.

2005 йилда иқтисодиёт учун муҳим бир қатор объектлар: Талимаржон иссиқлик электр энергияси станцияси (ИЭС) нинг энергия блоки, "Коғон-Газли" ва "Муборак-Ғаллаорол" магистрал газ қувурларининг муҳим қисмлари, Кўкдумалоқ конида газни қазиб олишда қўшимча чиқадиган газлардан фойдаланишни йўлга қўйиш, енгил саноатда пахтадан йигирилган ип, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича хорижий таъсисчилар иштирокидаги бир қатор қўшимча корхоналар ишга туширилди ва 2006 йил 1 январ ҳолатига кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган қўшма корхоналар сони 2627 тага етди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспорти 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 104,8 фоизга ошиб, 823,1 млн. долларни ёки мамлакат экспортининг 15,2 фоизини ташкил қилди.

2005 йилдаги инвестициялар ҳажмининг 50,1 фоизи иқтисодиётнинг таянч тармоқлари (саноат, транспорт ва алоқа)га йўналтирилди, бу эса капитал қўйилмалар салмоқли ҳажмининг (65,3 фоизгача) ишлаб чиқариш соҳасида тўпланишига олиб келди. Ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 1968,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди. 2005 йилда хорижий капиталнинг ҳажми 518,2 млн. долларни ташкил қилди. Ишлаб чиқариш соҳасида унинг улуши 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 3,5 фоизга ошди ёки умумий инвестициялар ҳажмининг 86,2 фоизини ташкил этди.

Марказлаштирилмаган инвестициялар салмоғи ортиб бормоқда. Нефт-газ тармоғида Россия компаниялари билан бирга лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тўқимачилик саноатида бир қатор лойиҳалар тугалланмоқда. "Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон" темир йўли, "Ўзбекистон" электр қуввати узатиш линияси ва яна бир қанча муҳим аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилиши юқори суръатлар билан амалга оширилмоқда. Умуман олганда, ҳозирги кунда Ўзбекистон қурилиш ва яратувчанлик майдонини эслатади.

Аҳоли даромадлари йил сайин ўсиб бормоқда. 2005 йилда иқтисодиётни тизимли ва босқичма-босқич таркибий модернизациялаш, хусусий сектор ва тадбиркорликни кенгайтириш натижасида аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ўртача даромади 20,5 фоизга ошди ва аҳоли жон бошига номинал пул даромадларининг истеъмол нархлари индексига нисбатан тезроқ ўсиши билан тавсифланади.

2005 йилда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар 40 фоизга оширилди. 2005 йилда аҳолининг пул даромадлари 9989,8 млрд. сўмни ташкил этди. 2006 йил 1 июлдан энг кам иш ҳақи миқдори 10800 сўм қилиб белгиланди.

Аҳоли даромадларининг муҳим ўсиш манбалари сифатида кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривожланиши, аҳоли ўзини ўзи банд қилишнинг кенгайиши юзага чиқди.

2005 йилда аҳолининг пул харажатлари 28,8 фоизга ошди ва 9194,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Аҳолининг пул даромадлари, харажатлари ва жамғармаси динамикаси пул даромадларининг харажатларга нисбатан (2004 йилдаги 98,1 млрд. сўм ўрнига 195,2 млрд. сўмга) ошганлиги билан тавсифланади.

Аҳолининг турли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг иш билан бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтириш бўйича ҳам ўтган 15 йил ичида давлатимиз томонидан бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Биргина "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили тадбирлари доирасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш анча кенгайди ва у 106 млрд. сўмни ташкил этди.

Мухтасар қилиб айтганда, 15 йил тарих учун қисқа муддат, лекин мустақил тараққиётнинг ҳар бир йилида асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Қўлга киритилган ютуқлар шундан далолат берадики, мамлакатимиз собитқадамлик билан буюк келажак сари дадил олға бораётир.

**Шеркул ШОДМОНОВ,**
**иқтисод фанлари доктори,**
**профессор,**
**Турғун ЗИЯЕВ,**
**фахрий доктор,**
**Шоира ИСРОИЛОВА,**
**катта ўқитувчи**

## Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?

# ТУРКИГЎЙ МАШОЙИХЛАР САРҲАЛҚАСИ

***Туркий машойихлар силсиласининг Яссавийдан кейинги сарҳалқасини XVI асргача давом эттириб, зикр этиш учун ҳам катта бир китоб ёзиш талаб этилади. Ўрта Осиё, Мовароуннаҳр, Эрон, Чин-Мочин сарҳадларида Яссавий тариқатининг улуғворлиги шунчалик юксакликка кўтарилган эдики, ҳатто "Мадинада Муҳаммад, Туркистонда Хожа Аҳмад" деган овозалар тарқалган эди. Биз мазкур рисолада "Ота"лар номи билан шуҳрати кетган туркигўй машойихларни Хожа Аҳрор замонидан ўтиб то XVI асргача бўлган силсиласи билан қисқа танишиб чиқишни кўзладик. Хожагон тариқатининг асосчиси Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт халифаси бўлганидек, Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳам тўрт машҳур хулафоси бўлган эди.***

Арслонбоб отанинг фарзанди рашидийси саналган Мансур ота Яссавийнинг биринчи хулафоси бўлиб, у илми зоҳир ва илми ботин бўйича ўз замонасининг ягонаси бўлган. У сўфизм рукнлари бўйича дастлабки илмни падари бузруквори Арслонбобдан олган. Арслонбоб вафотидан сўнг эса у отасининг ишорати билан Хожа Аҳмад Яссавийнинг хизмати сулукига киради. Мансур ота Яссавийнинг «сояи иноят»ларида даражотлар топиб, аҳли Мовароуннаҳрга кенг танилади. Унинг вафотидан кейин эса ўғли Абдумалик ота Туркистон музофотида жойнишин бўлиб, муршидлик мақомини бошқариб боради ва тариқат толибларига ҳидоят йўлини кўргузишга ёрдам беради.

Абдумалик отанинг фарзанди аржуманди Тожихожа ота эса Занги отанинг падари бузруквори бўлган. Буни "Рашаҳот ул-айнул ҳаёт" китобида Фахриддин Али Сафий Хожа Аҳрори Валий тилидан шундай келтиради: "Занги ота ўз даврининг тариқати ва ҳақиқати йўлида отаси Тожихожадан чуқур илм олиб даражайи камолга эришган". Аёнки, Занги ота ҳам Ҳаким ота хулафоларининг аъзами ва ақдами ҳисобланган. Хожа Аҳрор тўғрисида махсус маноқиб ёзган Мавлоно Қози ҳазратнинг Занги ота ҳақида айтган мана бу гапларини келтириши қизиқарлидир: "Ҳар вақт Занги отанинг зиёратларига кирсам, қабри муборакларидан Оллоҳ, Оллоҳ деган овозни эшитардим".

Занги отанинг падари бўлган Тожихожа ота эса Арслонбобнинг набираси бўлиб, неча йиллар ўғлининг тарбияти ҳимоятида саъй-ҳаракат қилган. Тожихожа Арслонбоб отанинг вафотидан кейин "ишорати ғайбий" содир бўлиб, Ҳаким отанинг мулозаматида кавуш кўтариб юради. Ҳаким ота эса Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўртинчи халифаси саналиб, у аслан Хоразмда таваллуд топган. У Боқирғон қишлоғида таваллуд топгани учун Боқирғоний тахаллусини ҳам олган, "Маноқиби Сулаймон ота" китобида ёзилишича, хоразмлик Бўғрохонийлар ҳам ўз даврида Ҳаким отанинг муриди бўлиб, қизларидан бири бўлмиш Анбар ойимни унга никоҳлаб берган эканлар. Ҳаким ота (1186 йил) ўлими олдидан завжаси Анбар ойимни суюкли шогирди Занги отага иниҳам қилади. Васиятга мувофиқ Анбар ойим Занги отага турмушга чиқади.

Занги отанинг ҳам силсила таомилига кўра тўрт иршоди халифа бўлиб, унинг аввалгиси Ҳасан ота номи билан машҳурдир. Занги отадан кейин навбатма-навбат келган бу тўрт халифаларнинг барчаси Шошдан чиққан машойихлар эканлиги маноқибларда қайд этилган. "Рашаҳот"да нақл этилишича, Занги ота кундалик ҳаёт кечириш маишати учун қора меҳнатни танлаб, Шош аҳолисининг молларини боқиб, подачилик билан шуғулланган. Айтишларича, у мол боқиб юриб далада намозини ўқир, сўнгра "Зикри жаҳр"га тушганда, подадаги барча моллар унга эътибор билан қараб, ўтлашни ҳам тарк этаркан ва халқа ўраб тураркан. Қисқаси, у зикрга тушганда қўл остидаги ҳеч қайси жонзот унга бефарқ қарай олмас экан. Шунинг учун ҳам уни "чўпонлар пири" деб ҳам аташган.

Хожа Аҳрорга бағишланган маноқибда кўрсатилишича, Бухоро мадрасаларини тамомлаган тўрт олим ботинларини тасаввуф иродатларига мойил қилиш истагида Занги ота ҳузурига келадилар. Мусофирларнинг ниятини англаган ота "иродати сулук"дан таълим берадиган бирор пири комилни топиб бериш истагида тўрт музофотни тафтиш қилади. Пировардида у: "Ўзимдан бошқа муршиди комил тополмадим, энди сизларни шу мушкулотдан ўзим қутқариб камолотгаеткурай" деб уларни ўз қарамоғига олган эканлар. Ана шу соликларнинг бири Ҳасан ота бўлиб, у кейинчалик Занги ота ўрнига қутби ақтоб бўлиб қолади.

Занги отанинг иккинчи халифаси Саййид ота номи билан жумла жаҳонга танилган. Ривоят қилишларича, у илк бор Занги ота билан учрашганда, унинг хокисор кўринишидан кулиб: "Мен саййидлар авлодидан тўралган бир зот бўлсам, бунинг устига мадрасани тугатган олим бўлсам, наҳотки шу қора яланг оёқ бир подачига ботиний жиҳатдан тобе бўлсам" деб кўнгулларидан ўтказган экан. Орадан йиллар ўтиб, қанча таҳсили сабоқ кўрган бўлса ҳам Саййид ота эл орасида ҳеч рўёбга чиқолмайди. Шунда у ғоят бир истиҳолага тушиб Занги отанинг завжаси Анбар онага шикоят қилади. Унга ачиниш билан қараган она: "Сиз бу кеча ўзингизни ўта хокисор тутиб, йиртиқ ямоққа ўралиб, ота ўтадиган йўлда ҳозир бўлинг, сизни у афтодаҳол аҳволда кўргач, кўнгли юмшаб раҳм-шафқат қилар" дейди. Саййид ота ўзини худди шу алфозда тутиб, феълан ва амалан хокисорлик кўргузади. Буни кўрган Занги ота унга йўлиққач, "шуҳратда офат" деган ғояни илгари суриб: "Сенинг саёдат ва илми ғурурing ўзингга "Садди роҳ" (бир тўсиқ) бўлиб турган эди, энди мана бу хокисорлигинг ўша тўсиқни олиб ташлади. Мен ҳам энди сенинг ғурурing гуноҳидан ўтдим" дейди. Шу тариқа Саййид ота Занги отанинг нафаси билан оз фурсатда даражайи иршодга етишиб, кўп ноқисликларни бартараф қилиб, одамларни мартабайи камолга етказади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг "Мақомоти"да ёзилишича Саййид ота Хожа Али Ромитонийнинг ҳам замондошидир. Бу азиз хожа Нақшбандга устозлик қилган Бобои Самосийга ҳам пири комиллик қилган. XII асрда яшаб ижод этган бу тариқат шайхи Саййид отанинг "жаҳрий зикр"лари билан яқиндан таниш бўлган. Бироқ у тасаввуф тариқатидаги нуқтаи-назарлар бўйича Саййид ота билан мусоватда бўлган. Саййид ота фоний дунёдан этак силтгач, унинг «иршоди роҳ»ини Хузиёнда (Тошкент билан Сайрам оралиғида) таваллуд топган Исмоил ота давом эттиради. Исмоил ота Алишер Навоийнинг тасаввуфга оид "Насойимул муҳаббат" асарида айтилишича, Аҳмад Яссавийнинг Иброҳим ота отлиғ инисининг ўғли бўлган. Унинг ёши юзга яқин бўлиб, ўн саккизга яқин авлодни шайхи муршидлик йўлига солишга эришган. Ана шу шажаралар орасида Исмоил ота, Исҳоқ отани ўз қойим мақоми қилиб оламдан ўтган, Навоийдан бир оз олдинроқ ўтган Отойи ана шу "ота"лар авлодидан бўлганлиги учун ҳам шу тахаллусни олган эди. Бу ҳақда Мир Алишер "Мажолис ун-нафоис" асарида тўхталиб шундай ёзади: "Мавлоно Отойи Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидандир. Дарвешваш, хушхулқ ва мунбасит (хушчақчақ) киши эрди. Ўз замонида шеъри атрок (туркий халқлар) орасида кўп шуҳрат тутди. Қабри Балх мавоҳасидадир". Сайрам атрофида дунёга келган Отойи кейинчалик тақдир ҳукми билан Балхга бориб, ўша ерда қутбул ақтоблик мақомини қўлга киритган.

"Рашаҳот"да қайд этилишича, Хузиённинг муллалари ҳар вақт Исмоил Отанинг тариқат йўсинлари билан зидлашиб, унинг устидан ғийбат ва мазаммат қилиб юришар эканлар. Шу боисдан ҳам буни эслаб юрган ота: "Бу юртнинг муллалари менинг собун ва ишқорим турур" деб киноялар қилар экан.

Баҳоуддин Нақшбанд "Мақомот"ида зикр қилинишича, Исмоил ота ниҳоятда серкаромат бўлиб, кўп ноқисликларни йўқотиб, эл орасида мартабаи камолга етган азизлардан деб кўрсатилади. Бир деҳқон далада кишткорлик билан шуғулланиб турганда, унинг ҳузуридан Исмоил ота ўтиб: "нима экаётирсан» — деб сўрайди. Деҳқон: «тариқ экмоқчиман, лекин унинг ҳосили ҳар йили жуда паст бўлаётир» — деб шикоят қилади. Шунда Исмоил ота пайкалга тикилиб: "Эй ер, мўл ҳосилингни дариғ тутма" дейди. Шундан кейин деҳқон неча йиллар уруғ сочмаса ҳам ҳалиги ердан кўнгилдаги ҳосилни олиб турган.

Исмоил ота вафотидан кейин унинг асҳоби муршиди саналган Исҳоқ ота унинг иршоди халифаси сифатида кўрина бошлайди. Исҳоқ ота ҳам Испижоб (Сайрам) тарафларда яшаб мағрибу машриққа донг таратган эди. Унга Нақшбанднинг муриди саналган Шайх Абдуллоҳ Хўжандий ҳам ҳамсуҳбат бўлиб, маълум вақт тасаввуфдан таълим олган.

Навоий ҳам "ота"лар номи билан овоза бўлган яссавия тариқатидаги бир неча азиз сўфийларнинг номини келтириб "Насойимул муҳаббат" асарининг обрў эътиборини орттиришга муваффақ бўлган. Жумладан, у Хожа Аҳрори Валий ва Фахриддин Али Сафийлар билан замондош бўлиб, "ота"лар ҳақида жуда ёрқин фикрлар айтган, бу алломаларнинг маълумотларига янги қўшимчалар қўшган. Навоий Исмоил ота фарзанди саналган Ҳусаин ота ҳақида гапириб: "халқ онинг атворига фирифта бўлубтур. Ул оламдин ўтар чоғда, эл кўзидан ғойиб бўлубтур. Унинг майити топилганда, бошига бир қуш қўниб турган эмишки, ҳеч ким бу рангдаги нақшинкор қушни кўрмаган эркан. Одамлар унга яқинлашгач, қуш учиб кетибдир" дейди.

Яна шоир кешлик ота ҳақида гапириб келиб, у ҳам Яссавий турбатларида ўтириб, кўп риёзатлар кўргузгани учун ишида кушойишлар етишганлигини айтади. Кешлик ота ҳам Чин мамоликига бориб, у ердаги мусулмонлар орасидан кўп муридлар орттирганлиги, у ернинг халқига пешволик қилганлиги маълум қилинади.

"Насойимул муҳаббат" китобида Навоий Йигит Аҳмад деган тағин бир азиз отани тилга олади. Жаҳрия тариқатининг фаол муриди бўлган бу шайх ҳам каромат ва мақомат, сулук ва риёзат бобларида турк эли орасида тенгсиз бўлганлигини айтади.

Мутасаввуф шоир Навоий сўфизм тариқатларига жуда қизиқиб, тасаввуф алломалари ҳақида бир-биридан қизиқ маълумотларни берган. Жумладан, у туркий машойихлар силсиласини жамлаб, барча азиз-авлиёлар ҳақида ёзилган маноқибларни ўрганиб чиққан. Шулар орасидан у Ҳаким ота фаолиятига ҳам махсус тўхталиб, бошқа асарда такрорланмаган янги гапларни қўшади. Масалан, у Ҳаким отанинг асл исми-шарифини Сулаймон ота деб тилга олади. Шоир ана шу аниқликни киритмаганда, тадқиқотчилар ўртасида Ҳаким ота билан Сулаймон ота бошқа-бошқа шахс деб тушунишлари мумкин бўларди. Сулаймон отанинг "Боқирғон" деган тахаллуси афтидан Навоий давридаёқ кенг тарқалганлиги маълум бўлади. Негаки, Навоий Ҳаким отанинг ҳикмат тили билан тўйинган машҳур "Боқирғон" китобидан ўлим фалсафасига бағишланган бир тўртликни келтиради:

***..."Тики турғон тубодур,***
***Борғонларни ютодур.***
***Борғонлар келмас бўлди***
***Магар манзил андадур".***

Навоий "Насойим"да Исмоил отага набира бўлмиш Баҳоуддин отани ҳам тилга олиб, унинг эл ичра кўрсатган мақомига офаринлар ўқийди. Айтишларича, ўша давр ҳукмдорларидан бири Исмоил отанинг эл орасидаги шукуҳидан чўчиб, уни мамлакатдан ихрож қилдирган экан. Бироқ Исмоил ота Кашмирга кўчиб бориб, мусулмонлар орасида аввалгисидан ҳам ортиқроқ овозаларга сазовор бўлган экан.

Тасаввуф ошиқи бўлган Навоий Боязид ота номи билан танилган яна бир азиз машойихни таништириб ўтади-ки, бу "Рашаҳот"да ҳам йўқ. Боязид отанинг каромати шунчалик машҳур бўлгани, ўз даврида ҳатто Амир Темур ҳам унга иродат кўргизиб, муридлик қилгани ҳақида маълумотлар беради.

Шунингдек, Навоий Халил ота, Қўрқут ота, Али ота, Қилич ота, Кўк Шайх ота, Садр ота, Хубби ота каби машойихларга ҳам китоб саҳифасидан жой ажратиб, туркий сўфийлар силсиласининг давомийлигини кўрсатади. "Рашаҳот" саҳифаларида дарж этилишича, Занги отанинг учинчи ва тўртинчи халифалари сифатида Садр ота ва Бадр оталар қабул этилиб, улар ҳам тариқат ва ҳақиқат сулукида тенгсиз мартабаларга эришганлар. Жумладан, Садр ота XIII асрларда яшаб ўтган. XVI аср тарихини ёзган Ҳасанхожа Нисорий ҳам ўзини Садр ота орқали Занги отага улаган.

Шу боисдан ҳам Нисорий "Музаккир ул-аҳбоб" тазкирасида Садр отани, Занги ота бин Тожихожа, бин Абдумалик Хожа, бин Мансур Хожа бин Арслонбобнинг ўғли деб таништиради. Улардан кейин Аламин ота ва Алишоҳ ота Туркистонда жойнишин бўлиб, маснади иршодда юқори савияга кўтарилган. Сўнгра Мавдуд ота ҳақида гап боради. Бу азизу мукаррам шайх ҳам замонасининг йирик машойихи бўлиб, Нақшбандийлар яшаган даврда Туркистон музофотининг дини исломини бошқариб турган. Балогардон Нақшбанд мақомотларида кўрсатилишича, Мавдуд отадан кейин унинг асҳоби киборлари сифатида танилган Камол ота ҳам аслан Шош вилоятидан чиққан. Хожа Аҳрор Боғистоний Хуросон тадрисидан қайтиб вақтинча Тошкентда яшаб турган бир кезларда Камол ота ва унинг биродари Ходим отанинг суҳбатларида кўп иштирок этганлигини айтади.

"Рашаҳот"да нақл этилишича, бир кун Камол ота Хожа Аҳрор ҳузурига келиб: "биз учун "Зикри арра" айт деб илтимос қилган эканлар. "Зикри арра" турк машойихлари силсиласида алоҳида бир жаҳрий (товуш чиқариб зикр қилиш) зикр сифатида машҳур бўлган. Ҳазрати эшон Убайдуллоҳ "арраи зикр" қилиб бўлгач, "кўнгуллари хийла дарб тортганлиги»ни эслатган. Хожа Аҳрор айниқса Ходим ота билан фикрий мулоқотда бўлган. Ходим ота Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳаддида «жамъи касир»нинг муршиди комили ҳисобланган. Унинг замонида Шайх Жамолиддин Бухорийдек улуғ алломалар ҳам Ходим отага қойим мақомлик кўрсатган. Бу шахс ҳам Ходим отадан таълим олиб Бухорода эл хизматида бўлганлардан.

XVI асрда яшаб, ўзининг "Музаккири аҳбоб" тазкираси билан танилган тарихчи олим, шоир Ҳасанхожа Нисорий ҳам ота-боболари, амакилари, қариндош-уруғлари ва туғишганлари ҳақида гапириб келиб, ўз шажарасини Яссавийлар сарҳалқасига олиб келиб боғлайди. Бунинг учун у ишончли тарихий тазкираларга суяниб шу фикрларни айтган. Жумладан, унинг валенеъмати ҳисобланган отаси Абдуваҳобхожани ёдга олар экан, у Пошшохожанинг катта ўғли эканлигини аниқлайди. Пошшохожа эса мумтоз адабиётимизда "Мақсадул анвор", "Мифтоҳ ул-адл", "Гулзор" каби достонлари билан танилган. Бироқ, адабий ижод билан шуғулланиб қолмай, Балх ҳокими Жонибекнинг ўғли Кистонқоранинг (1556 йил вафот этган) саройида аввал садрлик, кейинчалик шайхулисломлик лавозимида ишлаган.

Пошшахожа эса ўз навбатида Хуросонда машҳур олим бўлган Яхёхожанинг муриди бўлган, Яхёхожа эса ўз тарбиятларини шайхлар мажиди ҳисобланмиш Муҳаммадхожадан олган. Муҳаммадхожа эса ўз қабул назарини отаси Садр отадан топган. Садр ота ҳазрат қутбул ақтоб Занги отанинг муриди бўлганлиги кўп манбаларда тасдиқланган.

Хўш, тўрт асрдан ортиқ давр мобайнида ўтган бу азиз-авлиёлар силсиласининг ижтимоий-сиёсий моҳияти нимадан иборат? Бу саволга бир сўз билан умумлаштириб жавоб қиладиган бўлсак, улар энг аввало панднасиҳатлари, тасаввуф ғоялари кўмагида феодал аслзодаларни инсофу диёнатга чорлаш, нафснинг қули бўлмаслик, зулмнинг олдини олиш, тангдаст, ғариби ғураболарнинг кўнглига тасалли топиш, Оллоҳни таниш ва ундан қўрқишни ўрганишга чорлаган. Башариятга ситам етказиш энг катта гуноҳ эканлигини, сабрли бўлиш, кибрга йўл қўймаслик иллатларига қарши кураш ҳам яссавия тариқатининг бош низомномаларидан бири эди. Яссавий мактабидаги барча соимлар нодонлик ва жаҳолатни қоралаб, жамиятнинг ижтимоий тараққиётини ўстириш, маърифатни юксакликларга кўтаришни кўзлаган. Уларнинг тасаввуфга бой ғояларида ҳақсизликка қарши норозилик майллари яширинган, бева-бечораларга, мискинларга қайишиш эса ёрқин сезилади.

Шу жиҳатдан ҳам асрлар оша миллионлаб мусулмонлар бу азиз-авлиёлар мактабидан қувват олиб уларга қўл чўзади, муридлик мақомида бўлишга интилиб келади. Яссавий тариқатлари бўйича иш кўрган азиз-авлиёларнинг қабрларини йилда миллионлаб кишилар ҳамон эъзозлаб, тавоф қилгани борадилар. Айниқса, Иброҳим ота, Яссавий, Латиф ота, Мустафоқул ота, Қорасоч Момо ва Арслонбоб отанинг қабрлари тез-тез зиёрат қилинади. Бу ер хорижлик сайёҳлар маконига ҳам айланган. Яссавийдан кейин унинг руҳониятини давом эттирган Қул Шариф, Мискин Ғариб, Қул Асад, Худойдод, Қул Нодир, Қул Сайфиддин, Бобо Мочин, Мискин Қосим, Мискин Азим, Шамсиддин Ўзгандий кабилар сўфиёна тариқатга ружу қилиб, ислом оламининг кучига-куч қўшган. Бу сўфийларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқотга мавзу бўла олади.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**филология фанлари номзоди**


# «МУБОРАКНЕФТГАЗ»

## УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Она ер тилсимини очаётган хазинатопарларни улуғ байрам—*
*Истиқлолнинг 15 йиллиги билан қутлайди.*
*Уларга оилавий бахт, тинчлик-фаровонлик,*
*сиҳат-саломатлик,*
*мамлакатимиз ёқилғи-энергетика*
*мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги*
*ишларига янгидан-янги зафарлар тилайди.*





**Юртимиз узра байрам нафаси кезади. Халқимиз энг эзгу ниятларга эш бўлган тадбирларини истиқлолга илинади. Айтиш жоизки, бу байрам миллатимиз шаъни, юртимиз озодлиги улуғланиши боис ўзгача аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз узра эрк нашидаси ҳукмрон. Муборак айём кунларида Ўзбекистон касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш билан бирга меҳнат аҳлининг маданий-маърифий дунёқарашини ўстириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда.**

# «ОНА ВА БОЛА» КЎРИК-ТАНЛОВИ

## истеъдодларни кашф этди




Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Олмаликдаги "Кимёгарлар" маданият марказида ўтган "Она ва бола" кўрик-танлови ҳам ана шундай кўтаринки, байрамона кайфиятда бошланди. Унда вилоятдаги тармоққа қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ўз фарзандлари билан иштирок этдилар.

— Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад нафақат меҳнаткашлар, балки уларнинг оила аъзолари, фарзандларини маданий-маърифий тадбирларга кенг жалб этиш, ёшларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, бой тарихий ва маданий меросимиз, қадриятларимизни улуғлашдир, — дейди Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Тошкент вилоят кенгаши раиси Мавжуда Халилова. — Танлов шартларидаги мавзулар, тест тарзидаги савол-жавобларда иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш назарда тутилган.



Кўрик-танлов олдидан иштирокчилар ва томошабинларни "Кимёгарлар" маданият марказида фаолият кўрсатаётган "Эделвейс" рақс дастаси иштирокчилари ажойиб чиқишлари билан хушнуд этдилар. Шундан сўнг ҳар бир иштирокчи она ва бола биринчи турдаги "Таништирув" шарти бўйича ўзи, оиласи ва меҳнат жамоаси ҳақида тайёрлаган чиқишларини намойиш этдилар. Уларнинг танловга пухта тайёргарлик кўрганлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, ўзининг саҳнага чиқишидан тортиб, жонажон шаҳридаги саноат корхоналари, гўзал масканлару иш жойи, оиласи ва касби ҳақидаги маълумотларни шеърий тарзда тавсиф этган "Аммофос" очиқ акциядорлик жамияти ходими Нодира Аликулова ва қизалоғи Зилолахонлар барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Кейинги босқичда қатнашчиларнинг мустақил Ўзбекистонимиз ҳақидаги, Конституциямиз, Давлатимиз рамзлари, тарихимиз, миллий ва маънавий қадриятларимиз тўғрисидаги билимлари синовдан ўтди. Ҳар бир иштирокчи онага 5 тадан тест саволи берилди. Болалар эса билет танлаб, саволларга оғзаки жавоб қайтардилар. Ушбу шартда оналар ҳам, болалар ҳам зукко ва доноликларини кўрсатдилар. Унда Чирчиқдаги "Электрокимёсаноат" очиқ акциядорлик жамияти вакили Мадина Тошхўжаева (қизи Рўшана), Олмаликдаги "Аммофос" очиқ акциядорлик жамияти вакили Нодира Аликулова (қизи Зилола), Тошкент электр тармоғи ходими Саодат Туропова (қизи Садоқат) ҳамда "Шарқий Ўзбекистон" корхонаси вакили Гулчеҳра Усмонова (ўғли Обиджон) барча саволларга аниқ ва равшан жавоб бердилар.

Сўнгги турни эркин мавзулардаги чиқишлар ташкил этди. Тармоқ корхоналарида ишловчи иштирокчилар тайёрлаб келган саҳна кўринишларию қўшиқ ва рақсларни томоша қилиб, уларнинг бадиий маҳоратларига беихтиёр қойил қоласиз. Айниқса, "Биокимё" очиқ акциядорлик жамияти вакили Заҳро Каюшерова ижросидаги "Тановар" ҳамда ўғли Жавоҳир ижро этган "Андижон полкаси" рақслари томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

Танлов якуни бўйича "Аммофос" очиқ акциядорлик жамияти вакили Нодира Аликулова ва фарзанди Зилола ғолиб деб топилди. "Электрокимёсаноат" очиқ акциядорлик жамияти вакили Мадина Тошхўжаева қизи Рўшана билан иккинчи, "Ўзбеккимёмаш" очиқ акциядорлик жамияти ходими Умида Хўжахонова ва қизи Севара учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар тармоқ касаба уюшма вилоят кенгашининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби**

# ЁШ АВЛОД КАМОЛИНИ КЎЗЛАБ

***Республика миллий матбуот марказида умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Унда Президентимизнинг шу мазмундаги қарори юзасидан амалга оширилаётган ва амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар хусусида атрофлича сўз юритилди. Журналистлар шу мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Анжуманда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази директори А. Каримов, Республика Халқ таълими Вазирининг биринчи ўринбосари Р. Аҳлиддинов иштирок этди.

**Раимқул СУЯРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Хотира уйғонса гўзалдир*

# ХАЛҚАРО ТУРНИР

*Сўлим табиат гўшасида жойлашган "Алгоритм" болалар соғломлаштириш оромгоҳида мини-футбол бўйича "Пахтакор-79" анъанавий VII халқаро хотира турнири бўлиб ўтди. Мусобақада мезбон "Алгоритм-I", "Алгоритм-II" ва Самарқанд футбол фахрийларининг "Фортуна", "ЎзКабел" ОАЖнинг "Кабелчи" каби жамоалари билан биргаликда АҚШ, Франция, Германия, Исроил элчихоналари жамоалари ҳамда дипломатик корпус вакилларининг "Дипломатлар" жамоасидан иборат бўлган 9 та жамоа учта гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб борди.*

*"Алгоритм-I" ҳамда Исроил элчихонаси ходимлари жамоаси ўртасидаги финал учрашувида омад мезбонларга кулиб боқди.*

**У.ПЎЛАТОВ**

*Касаначилик*

***Яккабоғ туманида қадимдан тўқимачилик, зардўзлик, сандиқсозлик, дурадгорлик, наққошлик, мисгарлик, қандолатчилик, каштачилик, дўппидўзлик каби меҳнат турлари билан шуғулланиб келинган. Кўлигул чеварлар, каштачилар, моҳир усталар томонидан тайёрланган буюмлар бозорларда ҳамиша харидоргир.***

— Касаначиликни ривожлантириш тўғрисидаги Фармон иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга кенг жалб қилишни таъминлайди, — дейди туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Бойназар Даверов.

— Бу эса оила бюджети даромадларини кўпайтириш билан бирга, саноат корхоналари самарадорлигини кўтариш имконини берадиган тикувчилик, ипакчилик, атторлик, қайта ишлаш, мебел, электрон саноати, шунингдек, телекоммуникация ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни тараққий эттириш имкониятини яратади.

Туман ҳокимининг қарорига мувофиқ жорий йилда 433 киши меҳнат шартномалари бўйича уй меҳнатини ташкил қилишга жалб этилади.

# ҲУНАР ҚАДР ТОПГАНДА...



Туманда фуқаролар билан корхоналар ўртасида буюртма шартномаси тузиш бундан икки йил муқаддам бошланган эди. 300 киши иш билан таъминланиб, улар томонидан болалар кийим-кечаклари, кўрпа-тўшаклар, дераза пардалари, ҳар хил мебел жиҳозлари, ҳунармандчилик ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилган.

"Оқ олтин" пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятида касаначилар меҳнати тўғри йўлга қўйилган. Уйда шуғулланаётган тикувчилар томонидан 3 мингдан зиёд пахта териш учун мўлжалланган фартук, 100 га яқин махсус иш кийимлари тикилиб, 6 миллион сўмлик иш бажарилди.

Айни пайтда "Жонибек" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси касаначилари қўлидан чиққан диван, юмшоқ кресло, стол-стул, ошхона ва кабинет жиҳозлари, "Бегим газчи" хусусий корхонасида тайёрланаётган новвот, парварда, ҳолва ва бошқа пишириқлар, "Сементал-барака", "Қорасув" масъулияти чекланган жамиятларида ишлаб чиқарилаётган қаймоқ, пишлоқ, бринза ва бошқа сут маҳсулотлари истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб беріляпти.

"Агро-Турон" агрофирмасида 35 нафар фуқаро билан меҳнат шартномалари тузилиб, ҳудудда етиштирилган мева-чевалар, узум ва шифобахш гиёҳлар қуритилиб, қадоқланиб корхонага топширилаяпти. Туманнинг Жайчи, Хўжаилғор, Истиқлол маҳаллаларида яшайдиган Севара Элмирзаева, Дилафрўз Жалилова, Маҳфуза Олимова, Мавжуда Усмонова, "Оқ олтин" ҳиссадорлик жамиятидан Дилфуза Исломова, Ўралтош Жўраева сингари зардўз ва тикувчилар тайёрлаган кийим-кечаклар хотин-қизлар чиройига чирой қўшмоқда. Қодир Бекмуродов, Алишер Эргашев, Санжар Бекмуродовлар ясаган мебеллар, "Ал-Сухроб" хусусий фирмаси билан шартнома имзолаган Турғун Ҳодиев, Мингнора Аликулова, Маҳфират Маҳмудова каби қандолатчилар тайёрлаган ноз-неъматлар ўзининг сифати билан ажралиб туради.

Туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ва хотин-қизларни уй меҳнатига жалб қилиш ҳамда улар учун етарли шарт-шароитлар яратиш, меҳнат дафтарчалари очишда амалий ёрдам кўрсатаяпти. Касаначиликни қўллаб-қувватлаш орқали аждодлардан мерос бўлиб келаётган косибчилик, дурадгорлик, темирчилик, каштачилик, ипакчилик, зардўзлик, дўппидўзлик, сандиқсозлик, бешикчилик каби ҳунармандлик турлари тобора ривожланиб бормоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

# Ҳуқуқий сабоқлар

***Савол: Биринчи фарзандим ҳали 2 ёшга тўлмаган. Ҳозир иккинчи фарзандимга ҳомиладорман. Мен 2 фарзандим учун туғруқ таътилига чиқмоқчиман. Туғруқ таътилидан туғруқ таътилигача менга бериладиган нафақа биринчи фарзандимга таътилгача ишлаган иш ҳақи ҳисобидан белгиланадими ёки биринчи фарзандимнинг 2 ёшгача тўланадиган нафақаси миқдоридан тўланадими?***

**Д.БЕГИМҚУЛОВА,**
**Қашқадарё вилояти**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 233 ва 286-моддасига кўра, аёлларга туққанга қадар етмиш календар кун ва туққанидан кейин эллик олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. 2002 йил 24 март кунидан бошлаб, амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг ва Молия вазирлигининг 2002 йил 18 февралдаги 588, 35-сонли қарори билан тасдиқланган: "Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 4 ва 5-бандларида белгиланганидек, агар она бола икки ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун берилган таътил пайтида иккинчи боласига ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқадиган бўлса, онанинг хоҳишига кўра бу давр учун иккита нафақадан биттаси тўланади (биринчи бола учун икки ёшга етгунга қадар парваришлаш нафақаси ёки иккинчи бола учун ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси).

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш учун асос бўлиб белгиланган тартибда берилган меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (больничный) хизмат қилади.

Бундай нафақаларга солиқ солинмайди.

***Савол: Мен 55 ёшга тўлдим. Ўқитувчи бўлганлигим сабабли 55 ёшдан имтиёзли нафақага чиқиш ҳуқуқига эгаманми? Мактабларaро ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ишлаган давримни имтиёзли нафақага чиқиш стажига киритилмайди деб қайтаришди, шу тўғрими?***

**У.ДАВРОНОВ,**
**Самарқанд вилояти**

**Жавоб:** Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби "Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун билан белгиланади. Ушбу қонуннинг 12-моддаси "К" банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган 3-рўйхатнинг VII қисмига асосан, умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижтимоий таъминот ходимлари тўғри йўл тутишган. Мактабларaро ўқув ишлаб чиқариш комбинатидаги иш жараёнингиз ўқитувчилик иш стажига кирмайди, яъни умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхатига мувофиқ, сиз бундай ҳуқуққа эга эмассиз.

***Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб берди***

Пойтахтимизнинг марказий қисмида бунёд этилган бу кўркам бино Тошкент зобитлар уйининг маданият даргоҳи сифатида фойдаланиб келинган эди. Темурийлар тарихи музейининг шундоқ ёнида жойлашган бу маданият маркази қайтадан таъмирланиб, сайқал топди.

# ТЕАТР ЯНГИ БИНОДА

Эндиликда бу бинонинг томоша зали Тошкентдаги "Аладдин" театри ихтиёрига берилди. Бу ерда театр ўзининг спектаклларини намойиш қилиши учун қатор қулайликларга эга бўлди.

Саҳнага замонавий эстетик кўриниш бахш этишда Ўзбекистон академик рус драма театрининг рассомлари хизмати катта бўлди. Шунингдек, Беҳзод номидаги Тошкент рассомлик ва дизайн институти талабалари ҳам безаш ишларида фаоллик кўрсатдилар.

**Акбар АЛИЕВ**

# КАМАРБАСТА ҚАРИЯЛАР

***Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларга 9600 дан ортиқ каттақўрғонлик нуронийлар ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқда. Шу боис улар бугунги мустақиллик шарофати билан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.***

*Ўтган йилда ногирон ва касалманд қарияларга 4,2 миллион сўмлик дори-дармон ва бошқа тиббий ашёлар ажратилди. Бундан ташқари, 50 дан ортиқ нафақадорларга катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бир неча ўнлаб нуронийлар ҳомийлар кўмагида сиҳатгоҳ ва шифохоналарда саломатликларини тикладилар.*

*Шаҳримиз нуронийлари давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай ғамхўрликларга жавобан жамоатчилик ишларида фаол қатнашмоқда. Ҳокимият, "Камолот" ЁИҲ шаҳар бўлими, прокуратура идоралари томонидан ташкил этилган "Биз буюк юрт фарзандларимиз", "Ўзбекистон қуролли кучлари — миллий хавфсизлик кафолати", "Огоҳлик — муқаддас бурчимиз", "Гиёҳвандлик — аср вабоси" каби кўплаб тадбирларда қатнашиб, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Шунингдек, вақти-вақти билан маҳаллаларда, хонадонларда бўлиб, маърифий тарғибот ишларини амалга оширишмоқда.*

*Нуронийларимиз бир неча бор Самарқанд ва Бухородаги муқаддас зиёратгоҳларда бўлдилар. Тадбиркор Б.Расулов 54 нафар қария учун ана шундай имкон яратиб берди. Кейинги бир йил ичида жами 500 дан зиёд отахон-онахонлар юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган қадамжоларни зиёрат қилиб қайтишди. Ҳар гал бундай сафарлардан сўнг ёшлар ва меҳнат жамоалари билан учрашувлар уюштирилади.*

*Шаҳар "Нуроний" жамғармаси ҳозирги пайтда 2 та кичик корхона ва 5 та тадбиркор билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ишлаб чиқаришдан олинган даромаднинг бир қисми қариялар эҳтиёжи учун ажратилади.*

**Б.ШУКУРОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси**
**Каттақўрғон шаҳар бўлими**

# ХИВАЛИК ДОРБОЗЛАР



Қадамбой ака болалигидан журъатли ва тиришқоқ бўлган. Унинг спортга ва дорбозлик санъатига меҳри ўша даврларда уйғонган.

— Ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда, — дея хотирлайди Қадамбой Жабборов, — шаҳримизга андижонлик дорбоз Ҳакимжон Парпиев раҳбарлигидаги дорбозлар гуруҳи келишганди. Ўша пайтлари уларнинг баланд дорда туриб томоша кўрсатишларини кўриб менда ҳавас уйғонганди. Томоша тугагандан сўнг, Ҳакимжон аканинг олдига бориб, улар билан яқиндан танишганман. Андижонлик беназир дорбозлар мени ўзларига шогирд қилиб олишди.

Хивалик кичкина дорбоз шу тариқа Парпиевлар сулоласи кўмагида бу қалтис санъат сирларини ўрганиб, дорда ўйнай бошлади. Қобилияти шаклланган Қ.Жабборов йиллар ўтиб Хоразмнинг моҳир дорбозига айланди.

Ҳозирги кунда Қадамбой аканинг фарзандлари ва невараларидан иборат дорбозлар жамоаси ўз санъатини халқимиз ва Хивага ташриф буюраётган хорижлик сайёҳларга намойиш қилмоқдалар. Кекса дорбознинг неваралари Алимардон, Рамазон ва ўн икки ёшли Худойберганлар ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамларида баландлиги 20 метр бўлган дорда томоша кўрсатиб, мухлислар олқишига сазовор бўлмоқдалар. Хивадаги Ичанқалъа музей-қўриқхонасида ҳар куни оқшом чоғида намойиш этиладиган дорбозлар концерт дастури кишилар руҳиятига дилхушлик бағишламоқда.

**Эрпўлат БАХТ,**
**"Ишонч" мухбири**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ЖТСЖ Марказий кенгаши тасарруфидаги жамоавий спорт турлари бўйича Олимпия заҳиралари республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳисобчиси

**Светлана Юрьевна ШАБАНОВА**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, Марказий кенгашнинг Пленум ва Раёсат аъзоси

**Абдувоҳид ЖЎРАЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади

**Ishonch**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир**
**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Алла Долженкова, Виктор Зверов ("Доверие" газетаси бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.**

**Бизнинг манзил:**
*700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - Ю.Очилдиев
Мусаҳҳиҳ - Д.Камолов

**Саҳифаловчи-дизайнер:**
**З.Бакиров ва Ю.Михайловский**

Тиражи: 7556
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
Буюртма Г— 1014

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.40